

**ТАРИХ - ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-54>

**Худайбердиева Гулнора Хурсандовна,
Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти
кафедраси ўқитувчиси**

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги глобаллашув даврида ёшларни турли маънавий таҳдидлардан асраш, маънавиятини шакллантиришда муҳим омиллардан бири сифатида тарих фанининг ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: тарих, ёшлар, маънавият, глобаллашув, маънавият, омил, маънавий таҳдидлар.

**ИСТОРИЯ – КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЕ
ДУХОВНОСТИ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

**Худайбердиева Гульнора Хурсандовна,
преподаватель кафедры Гражданское общество Термезского
государственного университета**

АННОТАЦИЯ

Статья дает представление о роли истории в современной глобализации как одного из важных факторов защиты молодежи от различных духовных угроз и формирования их духовности.

Ключевые слова: история, молодёжь, духовность, глобализация, духовность, фактор, духовные угрозы.

**HISTORY - AS AN IMPORTANT FACTOR FOR THE FORMATION
OF THE SPIRITUALITY OF YOUNG PEOPLE IN THE PROCESS OF
GLOBALIZATION**


**Hudayberdieva Gulnora,
Lecturer Department of Civil Society,
Termez State University**

ANNOTATION

The article gives an idea of the role of history in modern globalization as one of the important factors protecting young people from various spiritual threats and the formation of their spirituality.

Key words: history, youth, spirituality, globalization, spirituality, factor, spiritual threats.

XX асринсоният тараққиётида кўплаб йирик ўзгаришлар, тарқибий силжишлар,



бўхронлар (инқирозлар) асри сифатида ўрин олди. Инсоният ўз тараққиёти йўлида ҳамкорлик ва ҳамжихатликда ҳал этиши лозим бўлган муаммолар кўлами, соҳалари тобора ортиб бормоқда. Янги учинчи минг йилликда бу ўзгаришлар янада чуқурлашуви ва халқаро аҳамиятга эга бўлиб бориши табиийдир. Глобаллашув ўз моҳияти жиҳатидан коинотимиздаги ҳар бир инсонни, ҳар бир давлатни, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятини бефарқ қолдирмайдиган ва фақат ҳамкорликдагина ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ўз таркибига олади.

“Глобаллашув” атамаси турли мамлакатлар иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти ва маданиятининг ўзаро таъсири ҳамда борлиқнинг кучайишини англатади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшлар маънавияти масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.


Шунинг ҳам мамлакат иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий соҳаларини яратиш билан бирга, маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл-заковат соҳиби этиб вояга етказиш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Аслида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти маънавий етук ва ахлоқан баркамол ёшларни тарбиялаш билан бевосита боғлиқдир.

Бугун юртимизда буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган сўзларига алоҳида эътибор қаратилиб, фақат таълим-тарбия орқалигина миллий ғоя мазмунини ташкил этган вазифаларни тўлақонли бажариш мумкинлиги, айниқса ёш авлодни камол топтириш лозимлиги таъкидланиб келинмоқда.

Ўзбекистон мустақиллиги ҳаммамизники, унинг келажаги эса ёшлар кўлида экан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда керак бўлса миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркорлиги ҳар дақиқада, ҳамиша таъкидланиб келинмоқда. Маънавий жиҳатдан янгиланган жамиятдагина одамлар давлат ва жамият тинчлиги ва осойишталигига, эркин тараққиётга тўсиқ бўлаётган ички ва ташқи хавф-хатарларни бартараф этишга қодир бўлади.

Биринчи Президентимиз “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш мумкин” деган фикрни ўртага ташлаб, миллий ғоя мазмун моҳияти нимадан иборат бўлиши кераклигига эътибор қаратган эди. У одамлар онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин олиб, ёт ғояларга тўсиқ бўлиши учун миллий ғоямиз халқимизнинг азалий анъаналари, удумларига, тилига, динига руҳиятига бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни қамраб олган ҳолда юрт тинчлиги халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Қадим юнон файласуфи Фалес “Дунёдаги энг қийин нарса нима?” деган



саволга, “Ўзликни англаш” - деяжавоб берган экан. Модомики, ўз тарихини билган, ундан қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, фарзандларимизни ана шу тарих билан “қуроллантириш”имиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Миллий ғоя мустаҳкам ҳаётий заминга, халқимизнинг чуқур тарихий илдизига таянади. “Ким эдик?” деган саволга жавоб излашга даъват этиб, ўзликимизни теран англашга ёрдам беради.


Мустақиллик йилларида маънавият ва тарихий хотира масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина буюк келажакка интилиш учун, улуғ режалар учун ўзида куч-қудрат ва эҳтиёж топа олади. Маънавиятли шахс аввало ўзини ўзи қадрлайди, ўтмиш билан фахрланади, келажакка умидворлик билан қарайди. Зеро, биз кўхна ва буюк тарих эгасимиз. Бугунги кунда бизгача етиб келган 120 минг нусхадан иборат бой маънавий меросимиз, қўлёзма манбалар, шунингдек, “мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Лекин ҳозирги замонда энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Бундай хавфлардан миллатни, айниқса, ёшларни асраш учун уларни ушбу ғоянинг асл мақсадини тўғри англайдиган ва уларга муносиб жавоб бера оладиган авлод қилиб тарбиялаш лозим. Бунинг учун эса уларни бой тарихий мерос ва анъаналаримиз асосида, илмий асосланган ғоявий билимлар билан озиқлантириб, қуроллантириб боришимиз лозим. Бегона мафкура замирида эса доимо сиёсий, иқтисодий манфаат ётади, яъни аввал одамларни ўз таъсири доирасига олиш, сўнгра сиёсий тузоққа илинтириш, кейин ер-мулк бойликларга эгаллик қилиш, ва пировард натижада, яна қуллик исканжасига солишдан иборатдир.

Зеро, ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги унда миллий ва умуминсоний кадриятлар устувор бўлганлиги билан белгиланади. Миллий ва умуминсоний кадриятлардан тўла баҳраманд бўлмаган, она тилини билмаган, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига онгли равишда ҳисса қўшмаган инсон маънавий жиҳатдан етук бўла олмайди. Маънавий қашшоқлик эса халқни, миллатни, умуман жамиятни таназзулга етаклайди.

Мафкуравий иммунитет – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, инсоннинг умумий иммунитет тизими туғма бўлса, мафкуравий иммунитет шакллантириб борилади. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун алоҳида хусусиятга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий даҳлсилик таъминланади.



XXI аср ахборот асри эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ёшлар ҳар қадамда турли ахборотларга дуч келади. Биз агар уларда турли зарарли ғояларга нисбатан кучли иммунитет шакллантирмас эканмиз, улар ҳар қандай зарарли ғояни ҳам тўғри деб қабул қилишлари ва ўзлаштиришлари мумкин.

Коммуникация воситалари кўпайиб ва кенгайиб бораётган сари ахборот хуружи ҳам кучайиб боради. Турли давлатлар, ташкилот ҳамда жамғармалар ўз мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб, турли қарашларни ёйишга, ҳар хил воситалар орқали тарғиб этишга ҳаракат қиладилар.

Ёт ғояларга қарши кураш жараёнида, авваламбор, ёшларнинг ўз ақлий имконият ва қобилиятларини тўғри баҳолашга ўргатишимиз, уларнинг юксак маънавиятини ҳамда эътиқодини тарбияламоғимиз лозим бўлади.

Бугунги кунга аввалги авторитаризм услубидаги, маҳаллий шарт-шароитлар эътиборга олинмаган тарбия тизими барҳам топиб, узоқ ва шарафли тарихимизга эга бўлган миллий-ахлоқий тарбия, айниқса, миллий-ахлоқий одоб меъёрлари, шарқ мутафаккирларининг меросидан самарали фойдаланиш, ўз-ўзини англаш асосидаги тарбия қарор топди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маънавий-мафкуравий хуружларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсирининг олидини олишда юқорида санаб ўтилган миллий-ахлоқий кадриятларимизга суяниб, бу борада қилинаётган ишларимизнинг узлуксизлигини таъминлаш давримизнинг муҳим талабидир.